

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛЬ ВА ДАРЁ ТРАНСПОРТИ
АГЕНТЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

36 Юридик шахсларнинг божхона ташувчиси сифатида- ги фаолияти устидан назорат олиб бориш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил
13 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2555*

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 2-сон, 36-модда) ва Ўзбекистон Республикаси «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 й., 9-сон, 230-модда) 6-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ва Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги **қарор қилади:**

1. Юридик шахсларнинг божхона ташувчиси сифатидаги фаолияти устидан назорат олиб бориш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

З. ДУСАНОВ

Тошкент ш.,
2013 йил 10 декабрь,
01-02/12-31-сон

**Ўзбекистон автомобиль ва дарё
транспорти агентлиги бошлиғи в. б.**

Ш. ШАВАХАБОВ

Тошкент ш.,
2013 йил 10 декабрь,
15-сон

Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона қўмитаси ва Ўзбекистон
автомобиль ва дарё транспорти агентлиги-
нинг 2013 йил 10 декабрдаги 01-02/12-31,
15-сон қарорига
ИЛОВА

**Юридик шахсларнинг божхона ташувчиси сифатидаги
фаолияти устидан назорат олиб бориш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й., 2-сон, 36-модда) 64-моддасига мувофиқ юридик шахсларнинг божхона ташувчиси сифатидаги фаолияти устидан назорат олиб бориш тартибини белгилайди.

I боб. Умумий қоидалар

1. Юридик шахсларнинг божхона ташувчиси сифатидаги фаолияти устидан назорат давлат божхона хизмати органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 39-моддасига мувофиқ божхона назорати шакллари қўллаш ва божхона ташувчилари реестрига киритиш йўли билан олиб борилади.

2. Божхона ташувчиларининг ҳисобини юритиш ва фаолияти мониторингини олиб бориш учун давлат божхона хизмати органлари томонидан электрон автоматлаштирилган ахборот тизими қўлланилади.

3. Божхона ташувчиси Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси асоида ташувчига нисбатан қўйиладиган талабларга риоя этиши шарт.

II боб. Божхона ташувчилари реестри

4. Юридик шахс божхона ташувчиси сифатида Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасини (бундан буён матнда ДБҚ деб юритилади) ушбу Низомнинг 1-илосида келтирилган шаклга мувофиқ хабарнома орқали ёзма равишда хабардор қилади.

5. Хабарномага юридик шахс раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган қўйидаги ҳужжатларнинг нусхалари илова қилинади:

а) юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома;

б) Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси 62-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш ҳақида шартнома тузилганлигини тасдиқловчи суғурта полиси. Бунда, суғурта полиси бўйича умумий қиймат 50000 (эллик минг) АҚШ долларида кам бўлмаслиги лозим;

в) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 14 июлдаги 138-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,

2006 й., 28-29-сон, 272-модда) билан тасдиқланган Автомобиль транспортида йўловчиларни ва юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомга мувофиқ Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан берилган лицензия;

г) Юкларни халқаро йўлларда ташиш китобчасини қўллаган ҳолда юкларни халқаро ташиш божхона Конвенциясининг (1975 йил, Женева) 2-илоvasи талабларига мувофиқ махсус жиҳозланган, божхона ташувчиси сифатида юкларни ташишда фойдаланадиган автотранспорт воситалари рўйхати.

6. Агар такдим этилган ҳужжатлар тўлиқ ҳажмда бўлмаса, такдим этилган ҳужжатлардаги маълумотлар шубҳали бўлса ёки етарли бўлмаса, ҳужжатлар такдим этилган кундан бошлаб 5 кун ичида, ДБҚ томонидан божхона ташувчисига асос бўлган сабабларни кўрсатган ҳолда ёзма хабарнома юборилади.

7. Ушбу Низом талабларига мувофиқ талаб этилган барча ҳужжатлар такдим қилингандан сўнг божхона ташувчиси божхона ташувчилари реестрига киритилади. Реестр ушбу Низомнинг 2-илowасидаги шаклда ДБҚ томонидан электрон тарзда юритилади ва ДБҚнинг расмий сайтида эълон қилинади.

8. ДБҚ давлат божхона хизмати органларининг ҳудудий бошқармаларини божхона ташувчиси божхона ташувчилари реестрига киритилганлиги тўғрисидаги маълумотлар ҳақида хат орқали хабардор қилади ва ушбу хатнинг нусхасини божхона ташувчисига юборади.

9. Мазкур Низомнинг 5-бандида қайд этилган ҳужжатларга ўзгартиришлар киритилиши кутилаётганда, божхона ташувчиси ушбу ўзгартиришлар киритилгандан сўнг 3 кун давомида ДБҚга хабар бериши шарт.

III боб. Якуний қоида

10. Ушбу Низом талабларини бузилишида айбдор бўлган шахслар, қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

3 (607)-сон

— 11 —

36-модда

Юридик шахсларнинг божхона ташувчиси
сифатидаги фаолияти устидан назорат олиб
бориш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Хабарнома намунаси

**Ўзбекистон Республикаси
Давлат божхона қўмитаси**

Ушбу билан _____
(юридик шахс номи)

божхона ташувчиси сифатида фаолият юритиши ҳақида хабардор қилади.

Корхона ҳақида қуйидагилар маълум қилинади:
Юридик шахснинг жойлашган ери (почта манзили):
Телефон рақами:
КТУТ _____.
СТИР _____.

Банк реквизитлари:
Х/р _____;
МФО _____.

Хабарномага қуйидаги ҳужжатларнинг нусхалари илова қилинади:

1. Юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома.
2. Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси 62-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳолларда фуқаролик жавобгарлигини суғурталаш ҳақида шартнома тузилганлигини тасдиқловчи суғурта полиси.
3. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги томонидан берилган лицензия.
4. Юкларни халқаро йўлларда ташиш китобчасини қўллаган ҳолда юкларни халқаро ташиш божхона Конвенциясининг (1975 йил, Женева) 2-илоvasи талабларига мувофиқ махсус жиҳозланган, божхона ташувчиси сифатида юкларни ташишда фойдаланадиган автотранспорт воситалари рўйхати.

Раҳбар _____
(имзо) (Ф.И.О.)

201__ йил «____» _____
(йил) (кун) (ой)

Юридик шахсларнинг божхона ташувчиси
сифатидаги фаолияти устидан назорат олиб
бориш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**Божхона ташувчилари
РЕЕСТРИ**

Божхона ташувчисининг тартиб рақами	Реестрга киритилган сана	Божхона ташувчисининг номи ва ташкилый-ҳуқуқий шакли	Божхона ташувчисининг доимий фаолият юритувчи ижро органи жойлашган ери (манзил)	Автотранспорт воситалари сони	Суғурта полисида кўрсатилган суғурта муддати	Изоҳ
1	2	3	4	5	6	7